


ДИЛБАР  
МУҲАММАДАЛИЕВА

ҲАЙДАР  
МУҲАММАД:  
..ВА ХАНГОМАЛАР  
ЁЗГАНМАН



ДИЛБАР МУҲАММАДАЛИЕВА

**ҲАЙДАР МУҲАММАД:  
...ВА ҲАНГОМАЛАР  
ЎЗГАНМАН**

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚ МЕРОСИ НАШРИЁТИ

ТОШКЕНТ — 2002

**Муҳаммадалиева, Дилбар.**

Ҳайдар Муҳаммад: ... ва ҳангомалар ёзганман. — Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашр., 2002. — 288 б.

Мазкур китобга адибнинг кейинги йилларда ёзган асарлари ва унинг ижодига доир мақолалар, тақризлар, суҳбатлар, маълумотлар, ҳангомалар киритилган. Бу адибнинг серқирра ижоди тўғрисида китобхонларга батафсилроқ маълумот беради. Шунингдек, китобхонлар эътиборини жалб этиш мақсадида саҳифанинг юқори қисмига адибнинг асарларини, пастки қисмига мақолалар, тақризлар, суҳбатларни жойлаштирадик.

Ўйлаймизки, китобдаги асар, фикр-мулоҳаза ва маълумотлар сизнинг ижодкор ҳақидаги тасаввурларингизни кенгайтиради. Хуллас, ёш тадқиқотчи Д. Муҳаммадалиева тартиб этган ушбу китоб Ҳайдар Муҳаммад ижодига қизиққанлар учун катта манба вазифасини ўтайди.

Ўз2+83.3Ўз

Х  $\frac{4702620206 - 314}{M361(04) - 2002}$  2002

ISBN 5-86484-043-2

© Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002.

## ИЖОДКОР ЙЎЛИ

Оламни билишга, унинг моҳиятини англашга, ақлу тафаккур калити ила дунё сир-у асрори кулфини очишга интилиш, ҳаётдаги турли қарама-қарши кучларга тик туриб, ўзининг ҳаққоний фикрини айта олиш — кишиларга маънавий озуқа бериш учун ўзини муттасил изланишга, риёзат чекишга, тинимсиз меҳнатга сафарбар этиш — олимлик ёхуд шоирлик қисматидир. Мана шу қийин меҳнатга чидаганлар номи дунёга танилади, машҳур бўлади...

Тошкентнинг муқаддас тупроғида не-не азиз инсонлар дунёга келмади дейсиз. Ана шу тупроқда Оллоҳ Таолонинг инояти билан 1936 йил 1 апрелда Муҳаммад Сиддиқхўжа ака хонадонида ўғил фарзанд дунёга келди. Тўлғоқ дардларидан анча азобланган, Тожихон она ойдек чақалогини кўлларида тутаркан, кўзларида шашқатор севинч ёшлари билан Оллоҳдан шу фарзандига иқбол, саодат сўради. Муҳаммад Сиддиқхўжа ака Ҳайдарали деган авлиёга ихлослари баланд бўлгани учун фарзандига Ҳайдар деб исм кўйди. Ажабки, ота дуолари ижобатиданми, Ҳайдар Муҳаммадда гўзал фазилатлар жамулжамдир.

Муҳаммад Сиддиқхўжа ака ақл-заковатли, етти ўлчаб бир кесадиган, саховатпеша инсон эди. Бўлажак шоир ана шу инсоннинг нозик тарбиясида балоғатга етди. Шеър-иятга, адабиётга бўлган ҳавас учқунлари бора-бора қалб гулханига — муҳаббатига айланди. Шоир ўз эсдаликларида ёзишларича, ўзларини 5 та аравага қўшилган отга қиёслайди: биринчи аравада — рафиқа, бола-чақа, уй-рўзгор юки; иккинчи аравада — ижод юки; учинчи аравада — давлат иши; тўртинчи аравада — иморат қуриш, жой-манзил қилиш; бешинчи аравада — жамоатчилик ишлари.

30—40 йил мобайнида шоирнинг бирорга араваси ағдарилмади, йўлидан адашмади. Балки, бу оғир юкларнинг салмоғи ошди, уларга файзу барака кирди. “Камтарга камол” деганларидек, нозиктаъб шоирнинг ҳалол меҳна-

ти, одамларга яхшилиги-ю, садоқати, самимийлиги туфайли бу юклар билан тўлдирилган араваларнинг йўллари равон бўлди.

Биринчи аравадаги 5 нафар фарзандларини олий маълумотли, уйли-жойли қилди, иккинчи аравадаги ижод юки 5—6 жилдга жам бўладиган битиклак даражасига етди. Улар: драмалар, шеърлар, қисса-ҳикоялар, ҳажвиялар, публицистик мақолалар, таржималардир. Бу битикларнинг 40 фоизи катта-кичик китоб ҳолида чоп этилган, кўп асарлари саҳна юзини кўрган. 150 дан ортиқ шеърларига куй басталаниб, кўшиқ сифатида ижро этилмоқда. Буларнинг кўпчилиги юзлаб грампластинкаларда сақланган, 90 фоизи Ўзбекистон радиоси фонотекасининг олтин фондида сақланмоқда. Асарлари асосида “Темир эркак” бадиий фильми, “Хотинлар “гапи”дан чиққан ҳангома” телефильм — спектакль яратилган. “Наштар”да “Сув — оби-ҳаёт”, “Борса-келмас” суратга олиниб намойиш қилинган. “Йўлинг топсам” кўшиғи 1973 йил Польшанинг Сопот шаҳрида бўлган Умумевропа кўшиқ фестивали танловининг совринига сазовор бўлган. “Тошкентнинг нозанин маликаси”, “Жиноят устида ушлансин” ва бошқа асарлари, танловларда совриндорлар қаторидан ўрин олган. Учинчи аравадаги давлат иши ҳам талаб даражасида. 45 йил давомида фақат яхшилик билан, аъло даражада бажарилмоқда. Ҳозир у Ўзбек миллий академик драма театрида адабий бўлим бошлиғи бўлиб ишлаб келмоқда. Тўртинчи аравадаги иморатни ҳам ҳалол меҳнат эвазига пешона тери билан қуриб битказдилар. Бешинчи аравадаги жамоатчилик ишларини ҳам меъёрида бажариб келмоқда 25 йилдан буён маҳалла раис муовини, фаоли бўлиб, маҳалла учун жон куйдириб, унинг обод-фаровон бўлишига ҳиссасини қўшди. Ҳозирги кунда маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси драматургия кенгаши раиси...

Эндиликда рафиқалари Қаноатхон адаббегим, ўғиллари Сарвархон, келинлари, ўғил неваралари Комронхоннинг ҳурмат-эътиборида, қизлари, қуёвлари, неваралари ардоғида. Хуллас, беш аравага қўшилган “от” эндиликда хонадоннинг энг табаррук, азиз инсони.

## ҲАЖВИЙ ҲИКМАТЛАР

Омадинг келса гар ҳар сўзинг ҳикмат эрур,  
Омадинг кетса гар ҳикматинг тухмат эрур.

\* \* \*

Ўпишиб кўришган одамдан бўл эҳтиёткор,  
Юмшоқ лабларин ортида қаттиқ тишлари бор.

\* \* \*

Ўлимнинг элчиси келса қочолмассан еру осмонга,  
Фақат жисминг яширгайлар лаҳад кавлаб гўристонга.

\* \* \*

Юзсиз одам билан юзма-юз гаплашиб бўлмас,  
Гаплашсанг ҳам сира муродинг ҳосил ўлмас.

\* \* \*

---

## УСТОЗЛАР ИШОНЧИ

*МИРТЕМИР,*

*Ўзбекистон халқ шоири*

### ОҚ ЙЎЛ

Ҳайдаржон меҳнаткаш тинмагур, битталаб-битталаб зина ошаётган умидли қаламкашлардан бири.

Ёш қаламкаш деярлик ўн йилдан бери машқ қилаётганини биламан. Чунки у Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошидаги ижодий семинарда доимий иштирокчи.

Ҳайдар тинмагур, дедим: маъниси бундоқ: бундан бир неча йил илгари у менга машқ билан тўлиқ бир умумий дафтар қолдириб кетди. Мен уни синчиклаб жуда ҳам қаттиққўллик билан ўқиб, чизиб, пучак-саракка ажратиб, кейин ҳаваскор қалам эгаси билан суҳбат ўтказдим. Шеър техникаси тўғрисида, машқ ва меҳнат ҳақида, ўқиш-ўрганиш, гурурланмаслик ҳақида узоқ сўзлашдик. Дафтар хом эди, лекин машқларда ўғит бор эди. Маълумки, истеъ-

Нишонсиз тош отсанг агар,  
Дўстингнинг бошига тегар.

\* \* \*

У олдин илм қилди пахтачиликдан,  
Кейинроқ бойлик топди паттачиликдан.

\* \* \*

Ғолиблар шартгакидир,  
Мағлублар жиртакидир.

\* \* \*

Оғзи мойланган,  
Тили бойланган.

\* \* \*

Шоир узри:  
Узр хотин ўролмадим кимхобга,  
Лек тўйғиздим газета-ю китобга.

\* \* \*

---

доднинг тўқсон тўққиз улуши меҳнатдир. Ҳайдаржон шундоқ меҳнатдан ҳайиққани йўқ. Ҳозир унинг машқларига ранг ва маъни кириб келяпти.

Узлуксиз ҳаракатдаги ёш шоирнинг янги поғоналарга кўтарилишига ишонаман. Шеърларининг кундан-кун янги бўёқ ва оҳанг, янги маънавият насиб этишини жуда истайман ва бугунги ажойиб навқирон қаламкашлар сафида, катта адабиёт йўлига тушишига тилакдошман.

*Ҳозирги “Ўзбекистон овози” газетаси,  
1966 йил 3 июль.*

*Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига кириш учун*

## ТАВСИЯНОМА

Ҳайдар Муҳаммад ўз сўқмоғини алаҳсимамай жадал топиб олган ва тез қанот боғлаган шоирлардан бири, деб биламан. Унинг сўқмоғи поэзиямизнинг катта йўлига тик ва тўғри келиб қўшилгучи сўқмоқлардан.

Алкаш ота роҳат қилиб ароқ тортади,  
Мажруҳ боласи бир умр азоб тортади.

\* \* \*

Хотинники хамир учи,  
Эрники уйнинг кучи.

\* \* \*

Тўғри ўсган терак устун бўлади,  
Эгри ўсган терак ўтин бўлади.

\* \* \*

Хотин кишига эр билан атрни ишониб бўлмас,  
Қишда гуллаган дарахтдан асло қувониб бўлмас.

\* \* \*

Қай ўрдак ё ғоз севар овчини,  
Қизлар севганидек келган совчини.

\* \* \*

---

Ҳайдар Муҳаммад қаламига тегишли “Кўнглим менинг” китоби ва алманахларда, кундалик матбуот саҳифаларида бирин-кетин шеърят шайдоларини хушвақт қилаётган қисқа, ранг-баранг ва жарангдор шеърлари унинг камолидан ва машқларидан яхши даракчилардир. Дарвоқе, унинг ўнлаб шеърлари кўшиқ тарзида ҳар кун радио орқали жаранглаб туради.

Ҳайдар Муҳаммад кўп ўқийдиган, изланадиган, топадиган ва назирачилик босқичидан сакраб ўтолган шоир.

Шоир темаси ёрқин замон, ёрқин ҳаёт. Унинг шеърлари ва мусиқа қанотида парвоз этаётган ёқимли кўшиқлари ҳаёт мадҳияларидир.

Ҳайдар Муҳаммадни ёзувчилар сафига лойиқ деб биламан ва унинг ёзувчи деган эзгу номга доғ туширмай янги асарлар яратишига дилдан ишонаман.

*МИРТЕМИР.*  
*1976 йил январь.*



Бозорда савдогарлар актёр,  
Театрда актёрлар аттор.

\* \* \*

Аввал эди ғўра,  
Энди бўлди тўра.

\* \* \*

Магнитофон сотсанг кўшнингга сот,  
Кўшиқларин уйингда хўб эшитиб ёт.

## ФАЛСАФИЙ ТЎРТЛИКЛАР

Дейдилар: одамни алам йиғлатади,  
Ёлғизлик етимлик ва ғам йиғлатади.  
Аламу ғамларни гуноҳкор этманг,  
Аслида одамни одам йиғлатади.

\* \* \*

---

*Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига кириш учун*

### ТАВСИЯНОМА

Шоир Ҳайдар Муҳаммад кўп йиллардан бери кўшиқ хазинасига ўз улушини кўшиб келмоқда. Унинг “Кўнглим менинг” китобига кирган “Мангу олов”, “Девкор пахтакор”, “Дилбармисан”, “Нозик савол” каби қатор кўшиқларини хонандалар севиб куйлашса, кўшиқсеварлар эса мароқ билан тинглашади.

Ҳайдар болалар шеърлятида ҳам баракали ижод қилиб келаётганлардан. Унинг “Олчамнинг туғилган куни” тўплами кичик ёшдаги болаларга мос шеър, кўшиқ ва эртаклардан иборат.

Шунингдек, Ҳайдар Муҳаммад кўшиқ соҳамизнинг жонкуярларидан биридир.

Мен Ҳайдар Муҳаммадни Ёзувчилар союзи аъзолигига тавсия қиламан.

*Пўлат МУМИН.  
1976 йил январь.*

Боланинг болача дили бор билгил,  
Тарбия қилмоқнинг йўли бор билгил,  
Келажак олдида берамиз жавоб,  
Келажак биз учун ҳукмдор билгил.

\* \* \*

Қўй, ҳа деб ўлимдан гапирма ўртоқ,  
Ўлим ҳақлигини ҳамма билади.  
Кел, кулгудан гапир кулайлик қувноқ  
Кулганларнинг умри узун бўлади.

\* \* \*

Юртбошимиз оқиллигидан,  
Ёшларимиз ақллигидан,  
Буюк давлат қурамиз албат,  
Халқларимиз аҳиллигидан.

\* \* \*

Фарзандларсиз келажак қоронғу олам,  
Фарзандларсиз ер юзи бўм-бўш бир дунё.

---

*Ҳурматли ўртоқ ҲАЙДАР МУҲАММАДАЛИЕВ!*

*Сизнинг шеърларингизни олганмиз. Декада муносабати билан кечикиброқ жавоб ёзаямиз, кечиринг.*

*Шеърларингизни ўқиб чиқдим. Ҳеч шубҳасиз талантингиз бор. Шеърларингиз ҳароратли, китобхон диққатини тортади, темаларингиз ўзингиз яшаб турган ҳаётдан олинган, озми-кўпми ўзингизга хос оригиналлик билан ифодаланган. Айниқса, “Она қўйнида”, “Суврат” шеърларингиз яхши чиққан. Биз бу шеърларни республика газеталаримиздан бирортасига тавсия қиламиз. Энди бошқа шеърларингизга келсак, уларда озми-кўпми нуқсон бор. Бу, айниқса, болаларга ёзган шеърингизда яққол кўринади. Бу шеърларингиз катталарга ёзилганига қараганда бўш, болалар психологиясини яхши очиб бермайди. Болаларга бўлгани учунми, ифодаларингизда образлиликка интирмайсиз. Ваҳоланки, болаларга ёзилган шеърлар ҳам уларнинг психологиясига мос даражада бадиий бўлиши керак. Катталарга ёзган шеърларингизнинг ичида “Сўнги сўз” шеърингиз анча бўш. Сатрлар ус-тида тузуккина ишламагансиз. Ҳатто биринчи тўртликда*



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/3042> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/3042> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/3042>